

"ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР" ИМИЗ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Термиз туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабининг "Сархад" жамоаси "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақаларининг Сурхондарё вилоят босқичида биринчилиқни қўлга киритиб, республика финал босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишган эди.

Хозирда "Сархад" жамоаси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 9207 сон ҳарбий қисмда "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақаларининг Республика босқичида муносиб иштирок этишмоқда.

Бугун 3 кунлик ҳарбий-спорт мусобақаларининг якуний босқичи ўтказилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар эълон қилинади.

Термиз туман ҳокимлиги туманимиз, қолаверса вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Сархад" жамоасига улкан зафарлар ва омад тилаб қолади.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати